



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

2021 yil "03" 08

№ 185

Toshkent sh.

Соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида коронавирус инфекциясига қарши курашишни янада жадаллаштириш мақсадида "COVID-19сиз саёҳат" электрон платформасини жорий қилиш тўғрисида

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирларини кучайтириш мақсадида **буюраман:**

1. Евроосиё тараққиёт банкининг "Рақамли ташаббуслар фонди" томонидан чет элга чиқувчи фуқароларда полимераз занжирли реакцияси (кейинги ўринларда – ПЗР) усулида тест синовини ўтказиш мумкин бўлган лабораториялар рўйхатини ўз ичига олувчи ва уларда коронавирус (COVID-19) инфекцияси бор ёки йўқлигини ҳамда эмланган фуқароларнинг эмланганлик тўғрисидаги сертификатни QR-код орқали текшириш имкониятини берувчи "COVID-19сиз саёҳат" электрон платформаси (кейинги ўринларда – Электрон платформа) ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев)га:

"coronavirus-test.uz" автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда – тизим) республика миқёсида тегишли лабораторияларда ишлатилишини назорат қилиш;

масъул ходимлар томонидан тизимга зарур маълумотларни ўз вақтида тўғри киритилишини таъминлаш;

"emlash.uz" ягона ахборот тизимига киритилган фуқароларнинг эмланганлик тўғрисидаги маълумотлари мониторингини юритиш;

Республикада коронавирус инфекциясига ПЗР усулида текширувларни амалга оширувчи тиббиёт муассасаларида хорижга чиқувчи фуқаролар тўғрисидаги тест натижалари маълумотларини ушбу тизим орқали шакллантириб борилишини назорат қилиш ва амалдаги белгиланган талаблар бузиладиган ҳолатларда тегишли тартибда қатъий чоралар кўриш;

уч кун муддатда тизим орқали чет элга чиқувчи шахслар учун шаклланадиган QR-кодли маълумотнома тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасини хабардор қилиш;

мазкур буйруқ ижроси юзасидан идоравий мансуб ташкилотларга амалий-услугий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

3. Вазир ўринбосари (А.Азизов), “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти (Б.Хасанов)га:

Электрон платформани “coronavirus-test.uz” ва “emlash.uz” ахборот тизимларига интеграция қилиш;

Тизимни узлуксиз ишлашнинг таъминлаш ҳамда тизимда ишлаш ваколатига эга тиббиёт муассасаларининг масъул ходимларига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Республикадаги ПЗР усулида коронавирус (COVID-19) инфекциясини текшириш учун рухсат берилган лабораториялар рўйхатини вазирликнинг расмий веб сайтыга жойлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Матбуот хизмати (Ф.Санаев), “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти (Б.Хасанов) Электрон платформанинг афзалликлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот бериш ишларини ташкил қилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Азизов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Хаджибаев